

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI  
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**758** Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси борткузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидалари»га (ЎЗР АҚ-95) ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1733-2*

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 20 сентябрдаги 145-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1733, 2007 йил 26 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 43-сон, 439-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси борткузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидалари»га (ЎЗР АҚ-95) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 11 июль,  
91-Н-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил  
11 июлдаги 91-Н-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари «Ўзбекистон  
Республикаси фуқаро авиацияси борткузатувчиларининг  
ишларини ташкил этиш қоидалари»га (ЎзР АҚ-95)  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. II бобнинг учинчи параграфи ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. 25-бандда:
  - а) «б» кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;
  - б) «е» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«е) тилга тайёрлаш ва тил бўйича малака ошириш»;
3. III бобнинг учинчи параграфи ўз кучини йўқотган деб топилсин.
4. III бобнинг бешинчи параграфнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«5-§. Тилга тайёрлаш ва тил бўйича малака ошириш».**

5. 40 — 42 бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
  - «40. Борткузатувчиларни тилга тайёрлаш ва тил бўйича малакасини ошириш йўловчилар билан чет тилларда муомала қилиш ва уларга халқаро класс бўйича хизмат кўрсатишга ўргатиш мақсадида амалга оширилади.
  41. Тилга тайёрлаш ва тил бўйича малака ошириш курслари қуйидагиларни назарда тутди:
    - а) фуқаро авиациясида қўлланиладиган махсус лексикани ўзлаштириш;
    - б) сўзлашиш нутқини мукамаллаштириш.Фуқаро авиацияси ўқув марказида жорий қилинган қоидаларга мувофиқ давлат ва чет тиллар бўйича билимларни тасдиқлаш учун экстерн услубида имтиҳон топширишга йўл қўйилади.
  42. Борткузатувчиларни тилга тайёрлаш ва тил бўйича малакасини ошириш курсларида ўқитиш авиакорхона (авиакомпания)ларнинг йўлланмалари бўйича сертификатланган Фуқаро авиациясининг ўқув марказида олиб борилади.».